

ЁШЛАР МАЪНАВИЙ ТАРБИЯСИДА ЮСУФ ХОС ҲОЖИБ МЕРОСИНING АҲАМИЯТИ



<https://doi.org/10.5281/zenodo.15648295>

Турсунова Олмос Файзиевна

Филология фанлари номзоди, доцент

Ўзбекистон-Финландия педагогика институти

Миллий ғоя ва фалсафа кафедраси

Мамлакатимизда буюк алломаларнинг илмий-маънавий меросини чуқур ўрганишга катта эътибор қаратилмоқда. Президентимиз таъкидлаганидек: «Биз аждодларимизнинг донишмандлик анъаналарига амал қилиб, уларнинг ғояларини теран англаган ҳолда, қатъий ислохотларни амалга оширмоқдамиз, мамлакатимизнинг янги қиёфасини шакллантириш йўлидан бормоқдамиз» [1, 1].

Юсуф Хос Ҳожиб халқпарвар, зиёли, фидойи инсон сифатида жамиятнинг ҳаёти билан қайғурадиган қалб соҳиби, фикҳшунос, исломшунос, адабиётшунос сифатида машҳур ва маълумдир. Юсуф Хос Ҳожиб жамиятда инсонларга ўзининг илмий мероси орқали ҳалол, пок, адолатли яшашларини уқтиришга ҳаракат қилган. Унинг асарларида маънавиятга, фикҳга алоҳида урғу берилган. Комил инсон тарбияси, маънавий нормаларига амал қилиш ҳозирги даврнинг долзарб масалаларидандир. Умуман олганда, маънавий тарбия масаласи ҳамма вақт, ҳамма даврларда жамият аъзоларининг диққат марказида бўлган. Юсуф Хос Ҳожиб ижодида илгари сурилган қоидалар, муҳим аҳамиятга эгадир. Бу қоидалар бугунги кунда ҳам амалда, десак хато қилмаймиз. Юсуф Хос Ҳожиб йўриқномалари ёшлар маънавий тарбиясининг асослари, инсонларни эзгулик ва хайрли ишлар қилишга даъват этувчи механизмдир.

Юсуф Хос Ҳожибнинг XI асрда яратилган “Қутадғу билиг” асари туркий тилларда гаплашувчи халқларнинг ҳозирча бизгача етиб келган биринчи бадиий асари, ўша давр адабий тилидан гувоҳлик берувчи ягона намунадир.

Юсуф Хос Ҳожибнинг ушбу асари асрлар давомида ёшлар маънавиятини бойитишга хизмат қилиб келган. Маданият, маънавият ва мафкура тарихи учун ҳам асарнинг қиммати каттадир. Унда инсон ҳаётининг мазмуни ва маъноси таҳлил қилинади. Инсоннинг жамиятдаги ўрни, вазифалари, ахлоқ чегаралари аниқланади. Турли табақа вакиллариининг хусусиятлари, юмушлари, дунёқарашлари борасида сўз боради ва ҳаётий йўл-йўриқлар, маслаҳатлар берилади. Инсоннинг руҳий-ахлоқий покланиши, илоҳий муҳаббат билан юксалиб бориши Юсуф Хос Ҳожиб таълимотининг асосий ғояларидир:

“Китаб ати урдум “Қутадғу билиг”,

Кутадсу ўқулуғқа тутсу элиг”

(Китоб отини “Кутадғу билиг” қўйдим,

Ўқувчига бахт келтирсин, қўлидан тутсин) дейди муаллиф [2, 8]. Шу боис чуқур инсонпарварлик ғоялари омухта бўлиб, ҳақиқат талабида юрган кишилар қалбига йўл топди, одамларнинг поклик, абадий ҳаёт, кўнгил хуррияти ҳақидаги орзуларини ифодалаб келди. Айниқса унинг яланғоч, бева-бечоралар ҳаётини кўриб, уларга ачиниб, амалдорларни уларга нисбатан инсофли ва адолатли бўлишга ундайди:

Ҳалал дуня қазған ўзунгни етур,

Тегур ач-ялингқа ҳам ўпрақ бутур.

(Ҳалол дунё топгин, ўзингни едир,

Яланг, очга бер, жулдурини битир).

каби ғоялари маънавий таълимнинг асосидир [2, 25]. Халқимиз Юсуф Хос Ҳожибга ҳурмат-эҳтиром орқали Аллоҳга, Унинг инсонни улуғлаган кудрати ва файзу футухига эътиқодларини изҳор этганлар. Юсуф Хос Ҳожибнинг сўзлари ва сийрату сурати юксак ахлоқ ва илоҳий муқаддаслик намунаси сифатида қабул қилинган. Жумладан,

Етим, ўтсузуг кўр йа тул, тулсақиг,

Йа кўзсуз, йа ўлдрум, йема ахсақиг

(Етимга, есирга, бева, тулга боқ,

Кўру, шалу, оқсоқ, чўлоқ қўлга боқ) ҳаёт фалсафаси таҳсинга лойиқ [2, 26]. Юсуф Хос Ҳожиб маънавий меросининг тарихий тараққиёти, назарий жиҳатларини ўрганиш баробарида, унинг фалсафасини ўрганиш ҳам муҳим ҳисобланади.

Юсуф Хос Ҳожибнинг сўзи киши қалбининг малҳами ва руҳининг қувватидир. Унинг сўзларини ким дилига жо қилса, у Қуръон ва ҳадислар мағзига эшик очади, ўзининг ҳолати, ахлоқини, қилаётган ишларининг яхши-ёмонлигини ўйлайдиган бўлиб қолади, ҳаёт, одамийлик, ўлим, охират хусусида мулоҳаза юритиб, ички оламини поклашга киришади. Эътиборли жиҳати шундаки, қуйидаги жумлалар бутунги кунда ҳам ўз таъсирини инсон маънавиятига ўтказади. Ёшлар маънавий тарбиясининг қуроли ҳисобланади:

Баятиғ тапуғ бирла булмаз қули,

(Худони тоат бирла топмас қули) [2, 27].

Юсуф Хос Ҳожиб маънавий категория бўлган дўстликка алоҳида эътибор қаратади, душманни душманини дўст тутишга, дўстларни дўстлари орасида бўлишни, душман билан иноқлашган дўстдан кўрқишга чақиради.

Жумладан, Юсуф Хос Ҳожиб ёшларни аввало илм олишга, билимли бўлишга чақиради:

Ўқуш ул юлатег қарангку туни,

Билиг ул яруқлуғ, ярутти сани.

Билигни бедуг қил, уқушни улуғ,

Бу икки бедутур удурмиш кулуғ.

(Уқувдир чироғдек қоронғи туни,

Билимдир ёруғлик, ёритай сени.
Билимни буюк бил, укувни чукур,
Бу иккиси бирла киши улғаюр) [2, 28].

Лекин билим ва заковат қадрини ҳамма ҳам билавермайди. Зар қадрини заргар билгани каби, билим ва заковат қадрини ҳам доно, заколаргина билади. Жоҳил, телбалар бу хислатлардан маҳрумдир:

Билиг қадрини ҳам билиглиг билир,
Гуҳар қадрини ҳам гуҳар – ўқ билир.
Билиглиг билир ул билигнинг ати,
Билигсиз на билга билиг қиймати.
(Билим қадрини ҳам билимли билар,
Гуҳар қадри ҳам гуҳаргар билар
Билимли билади билимнинг отин,

Билимсиз не билгай билим қийматин) [2, 29] ғояси бугунги глобаллашув жараёнлари шиддат билан кечаётган бир пайтда ўта аҳамиятлидир.

Юсуф Хос Ҳожибнинг қуйидаги фикрлари ҳозирги даврда ёшлар маънавий тарбиясининг “олтин қондаси”га айланиши керак, деб ўйлаймиз.

Ўқушқа билигга бу тилмачи тил,
Яруттачи эрни йўриқ тилни бил.
Кишиг тилағирлар, булур қут киши,
Кишиг тил ужузлар, ярир эр баши.
(Заковат, билимга калитдир бу тил,
Ёритгувчи эрниравон тилни бил.
Кишин тил улуғлар, топар қут киши,
Кишин тил тубанлар, ёрилар боши) [2, 30].

Юсуф Хос Ҳожиб аввало киши эзгу бўлиши, барчага нисбатан яхши бўлиши кераклигини уқтиради. Шундагина уни халқ севади, кадрлайди. Эзгу хулқли киши халққа бош бўлса, барча халқ ҳам эзгу бўлади. Юсуф Хос Ҳожиб инсонларни оқиликка, комиликка, адолатга, камтарликка чақиради. Шунингдек, раҳбар шахсларга насихат беради:

Элиг айди эзгу талу нанг турур,
Талу нангнитутши талулар қулур.
Қали эзгу бўлса будун башчиси,
Қамуғ эзгу болди анинг ишчиси.
(Элиг айтди: эзгу етук нарсадур,
Етук ишни доим етуклар қилур.
Агар эзгу бўлса авом бошчиси,
Жами эзгу бўлгай унинг ишчиси) [2, 31].

Хулоса қиладиган бўлсак, Юсуф Хос Ҳожиб илмий бой мероси ҳуқуқни ўрганишда, ёшларга маънавий тарбия беришда муҳим манба бўлиб ҳисобланади. Демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш шароитида маънавий ва ҳуқуқий манбаларни

ўрганиш ёшлар тарбиясига инсонпарвар ёндашувнинг амалий аҳамиятини белгилайди.

Шубҳасиз, Юсуф Хос Ҳожиб асарларини ўрганиш маънавият тарихини ўрганиш нуқтаи назаридан ҳам, бугунги маърифатимиз учун ҳам қимматбаҳо манба ҳисобланади. Юсуф Хос Ҳожиб таъкидлаганидек,

Йўқ эрса ажунда бу алим бўгу,
Тиқиб унмагай эрди ерда егу.
Уларни қатиф сев, ағирла сўзин,
Билигларни ўгран ўгуш я азин
(Йўқ эса жаҳонда гар олим доно,
Эқиб унмагай эрди ерда дона.
Уларни жуда сев, қадрла сўзин,
Билимларин ўрган кўпин ё озин).

АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқи.
2. Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг (Саодатга йўлловчи билим). Тошкент: Фан, 1972. – 964 б